O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
2 IYUL
SESHANBA
№ 82 (26.941)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 июнь куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Қуролли кучлар бўйича қўмитасининг Тараққиёт ва ҳарбий тадқиқотлар бўйича ички қўмитаси раиси Дункан Хантер раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, АҚШ Конгресси делегацияларининг Ўзбекистонга ҳар бир ташрифи катта воқеа бўлишини таъкидлади.

— Террорчиликка қарши курашда амалга ошираётган ишлари учун АҚШ ҳукумати ва халқига чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман, — деди Ислом Каримов учрашувда.

Дарҳақиқат, Афғонистонда террорчилик ўчоқлари йўқ қилинишида АҚШнинг саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга. Ушбу иллатнинг илдизини қуритишда АҚШ ташаббуси билан тузилган халқаро коалиция катта муваффақиятларга эришмоқда. Афғонистонда вазият ўнгланишидан эса биринчи галда Марказий Осиё минтақаси давлатлари, хусусан, Ўзбекистон манфаатдордир.

Учрашувда меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирар экан, халқаро аксилтеррор коалициясининг муваффақиятларида Ўзбекистоннинг алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

---

2 ИЮЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

БУЮК ШОН-ШАРАФИМИЗ ТИМСОЛИ

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам — 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги муҳим тарихий Қонун эълон қилинганди. Ушбу Қонунга мувофиқ мустақил давлатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос олий рамзларидан бири — Давлат герби тасдиқланди.

Президентимиз Ислом Каримов таърифлаганидек, давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

Мамлакатимизда давлат рамзлари қонун билан муҳофаза қилинади.

Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган.

Хусусан, тамға, яъни герб тарихига тўхталадиган бўлсак, мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, давлат герби милоддан аввалги уч мингинчи йилларданоқ башариятга маълум. Ўша замонларда герб шу давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканини, бунёдкорлик мақсадларини, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа жиҳатларини шартли расм, белги тарзида ифодалаган.

Археологик қазишмалар юртимизда давлат рамзлари кўп минг йиллик тарихга эга эканини, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқлигини, жумладан, қадимдан муҳрлар, тангалар ва буюмларга шаҳар, давлат ёки ҳунармандчилик уюшмаларининг герб суратларини тушириш кенг тарқалганини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур тузган марказлашган давлат ўзининг герби — уч ҳалқа шаклидаги тамғаси билан дунёга танилган.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари бевосита Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган мамлакатимизнинг янги давлат рамзларида, шу жумладан, унинг Давлат гербида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Қонунда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир. Умуман, мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Мадҳиямиз ва Гербимизга эга бўлганимиз чин маънода озод ва ҳур эканимиз белгисидир.

Халқимизнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир фуқаромиз учун тобора муқаддас мазмун касб этаётган янги давлат рамзларида бор бўйбасти билан намоён бўлмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, улуғ тарбия воситасидир.

■ **Ғулом АБДУРАҲИМ, ЎзА мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2002 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 4535 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 8970 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 4535 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 8970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 5435 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан белгиланган тартибда 2002 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 1 июль

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Ўтган ҳафта ичида мамлакатимиз пойтахтида Марказий Осиёда гиёҳвандлик муаммолари бўйича минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Бу йиғин бундан икки йил муқаддам — 2000 йилда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга муштарак ёндашув» мавзуидаги халқаро конференциянинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. **«Бугунги учрашув,** — деб баҳолади республикамиз Президенти Ислом Каримов анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида, — **халқаро гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунида очилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади... Бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра яхши тушуниб олмоғимиз ва унга риоя этмоғимиз зарур: фаолият кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётган ва бутун-бутун жамиятлар асосига таҳдид солаётган наркобизнесга фақат биргаликдагина қарши тура оламиз».**

Биргаликда қарши тура олиш, деган гапнинг амалиётдаги ижросига бир мисол: мазкур анжуманда Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, АҚШнинг ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари мамлакатимизга гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашиш учун 100 миллион АҚШ доллари ажратганлиги диққатга сазовордир.

Зеро гиёҳвандлик балосидан бутун инсоният жабр кўрмоқда, шу боис унга қарши курашдан манфаатларимиз муштарак.

Гиёҳванд моддалар ва ушбу офатга қарши кураш бўйича бир қанча долзарб масалалар кўриб чиқилган мазкур анжуманнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши тасодиф эмас. Давлатимиз раҳбари бу борада дунёнинг энг юксак минбарларидан туриб, бир неча бор жаҳон ҳамжамиятини гиёҳванд моддалари ишлаб чиқариш, уларнинг тарқалиши ва истеъмоли устидан назоратни кучайтиришга даъват этган эдилар. Оғуфурушлик, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорчиликнинг оғир оқибатларини кўрган дунё ҳамжамияти эндиликда Ўзбекистоннинг ушбу иллатга қарши йўналтирилган ташаббусларини жуда юқори баҳолаётгани эътиборга молик.

ДЕМОКРАТИК МАТБУОТ ҚИЁФАСИ...

Ҳар бир касбнинг ўз завқи, ўз машаққати бор, деганларидек, айни пайтда ўз шарафи, ўз масъулияти ҳам бор. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнати, бир сўз билан айтганда, журналистика — ана шундай касблардан бири.

Ўтган ҳафта ана шу касб эгаларининг анъанавий байрами ҳам мамлакатимизда кенг нишонланди. Республикамиз Президенти уларга табрик йўллади. Ҳамкасбларимиз табрикда билдирилган фикрларни ўзларига дастуриламал сифатида қабул қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ДОНАЛЬД РАМСФЕЛЬДНИНГ АЙТИШИЧА...

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг «Washington Times» газетасига берган интервьюсида қайд этилишича, Усама бин Лодин гуруҳининг қолган-қутган жангарилари ҳарбий аслаҳалар билан қуролланишни давом эттиришмоқда. Вазир яна таъкидладики, «Ал-Қоида» жангариларига олиб кетилаётган катта юкни Америка ҳарбий қўшини қўлга туширишга муваффақ бўлган. Юк замонавий ҳарбий ва тиббий асбоб-ускуна-ю, қурол-аслаҳалардан иборат экан.

ДЕНГИЗДА ОТИШМА

Шанба куни эрталаб Жанубий Корея ҳарбий денгиз кучларига қарашли кемалар билан Шимолий Корея флотининг кемалари ўртасида отишма бўлиб ўтди. Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги берган баёнотда маълум қилинишича, «Шимолий Кореянинг Сариқ денгизда сузиб юрган иккита соқчилик кемаси чегарани бузиб ўтган. Уларнинг чегарадан чиқиб кетиши талаб этилганда Жанубий Кореянинг соқчилик кемаларига қарата ўқ узилган». Жанубий Корея ҳукумати бу тўғрида баёнот бериб, Шимолий Корея ҳукуматидан кечирим сўрашни талаб этмоқда.

Ўз ўрнида Шимолий Корея ҳам бу воқеани «провокация» дея баҳоламоқда. Бу ҳақда Шимолий Корея расмий янгиликлар агентлиги хабар тарқатди. «Жанубий Корея ҳарбийлари Шимолий Корея халқ армияси кемаларига қарата ўқ узиб, жиддий «провокация»ни амалга оширдилар, натижада бизникилар жавоб ўтини очишга мажбур бўлишган» дейилади унда.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги эса мазкур воқеадан жиддий ташвишга тушганини билдирди. Бу борада оғир ва босиқлик билан, ақл билан фикр юритиб, ўзаро дўстликни ҳурмат қилган ҳолда иш олиб боришга чақирди.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

МУҚОБИЛ, МЎЪТАДИЛ, МУНТАЗАМ ДАРОМАД

ЁХУД ҚИШЛОҚ КИШИСИ БОР ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНСА, ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛСА, ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА

Бу қишлоқ кишиларининг бошқа қишлоқларда яшайдиган одамлардан айрича аломати йўқ. Оддийгина одамлар: устида сўнгги русумдаги бўлмаса-да янги кийим, ресторанда бўлмаса-да, шундоқ кўча бошидаям шоҳона тўйларини ўтказишяпти. Париж бўлмаса-да, пойтахти азимни, Хива-ю Бухорони бир бор, икки бор зиёрат қилишган. Ҳар ҳовлида бўлмаса-да, бирор яқини, қариндоши, қудасида. «Нексия», «Тико», «Дамас» русумли машина бор.

Бу ерда тўйга «фалон соат» деб чорлашмайди. Тўйми, кишилар ёпирилиб келишаверади. Саҳармардондан хуфтонгача тўй — дала-даштдаги ташвишлар ёддан кўтарилади...

Қишлоқ кишилари тадбиркор, меҳнаткаш, сахий...

Ҳар ойнинг фалон куни хўжалик идораси ғазнабони туйнуги олдида турнақатор навбат кутиб туришмайди, қариялари алоқа бўлимидагиларнинг қош-қовоғига ихлосманд эмас...

Улар даромаддан кўп ҳам гап очишавермайди. Бўлмаса топар-тутарлари... ўҳ-ҳў... ҳавас қилса арзигулик. Ишонмасангиз келиб кўриб кетинг, йўлкирасига улар кафил!

ҚОП СЎРАГАН ҚУРБОНДУРДИ

Шўро замонлари. Ўрта мактаб ўқувчиларини колхознинг ҳисобот йиғилишига олиб боришарди — зални тўлдириш, якдил қарор қилиш учун... Ёдимда қолгани: хўжалик раиси ҳисоботида «колхознинг ўн беш гектар боғидан фалон тонна мева олиниб, икки минг саксон саккиз сўм олтмиш беш тийин зарар билан йил якунланди» дегани. Отам раҳматлик боғимизда етиштирган узумни ва дала-даштдаги жийдаларни Бокуга элтиб сотиб, янги кажавали мотоцикл олган пайтлар эди. Нимага ўн сотих боғдан отам бир қоп пул топади-ю, колхоз гектарлаб боғдан зарар кўради? Сабабини отамдан сўрадим. Отам дадилсўз эдилар, шартта кўнглидагини айтдилар: «Ишласа, асраса даромад бўлади-да болам, тўрт томондан ўғирлаб туришса, тоғ ҳам чидамайди».

Мустақилликдан сўнг ҳукумат қарори билан хўжалик тасарруфидаги боғлар тендер усулида деҳқон-боғбонларга берилди-ю, ана энди даромад топишни бир кўринг!

Қурбондурди ярим гектар олма боғини тендерга олди. Нақд беш юз мингни хўжалик ғазнасига санаб топширди. «Пули чиққаннинг жони чиқади». Кузда дарахт ораларига буғдой экди, текис ниҳол олди, қишда буғдойзорига маҳаллий ўғитни майдалаб тўкди. Вақтида суғорди, ўғитлади, ишловига қаради, ўтўландан тозалади. Натижа: нақд уч тонна буғдой етиштирди. Бир қисмини бозорга солди, рўзғорига қолдирди. Шунинг ўзидан тўрт юз мингни ишлади. Бу ёқда саксон туп олма роса ҳосил берди — тўрт тоннасини ҳар килосига тўрт юз сўмдан пул бериб, икки ишбилармон Қозоғистонга олиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим.

Энди деҳқончасига ўтириб ҳисоб-китоб қилсак: ярим гектарлик боғдан бир мавсумда нақд икки миллион сўм фойда кўрибди. Йил бўйи дастурхонидан олма аримагани бир ёқ, ошна-дўст ёрига қоплаб тарқатгани бир ёқ...

Бу ҳали ҳолваси. Хўжаликнинг бир гектар узумзорини тендерга олган боғбон мавсумда беш миллион сўм даромад олиб, яп-янги «Тико»сида ҳам сайр, ҳам савдо, деб икки улфат билан Тошкент қайдасан, деб йўлга отланишганини биламан.

(Давоми 2-бетда)

«ҒАЛЛА — 2002»



ЗАФАРНИНГ КАЛИТИ МЕҲНАТДА

Андижонликлар давлат омборларига 236 минг 500 тонна ўрнига 256 минг 500 тоннадан зиёд буғдой етказиб бериш шартнома режасини бажардилар. Тайёрланган ҳосилнинг 135 минг тоннаси уруғликка қабул қилинди. Ҳосилдорлик ўрилган майдонларга нисбатан гектар ҳисобига 77 центнерданга тўғри келади. Уруғлик ва товар дон сотиш ҳисобига вилоят бўйича 24 миллиард 827 миллион сўм даромад олиш кўзда тутиляпти.

Бу йил 74439 гектар ерга сара уруғлик экилди. Бошоқлар олтин ранг бўлганида ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрилди. Андижон, Избоскан туманлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш шартнома режасини бажардилар. Улуғнор, Асака, Олтинкўл, Бўз, Пахтаобод туманлари ғаллакорлари ҳам тез кунларда уларнинг қаторидан жой олдилар. Илғор комбайнчилар «Кейс»ларни унумли ишлатиб, ҳозиргача 350-400 гектаргача майдондаги ҳосилни йиғиштирдилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратларда: *Шаҳрихон туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги ижарачиси Шамсиддин Саидов ва раис Иброҳимжон Маҳкамов; Андижон туманидаги МТП «Кейс» комбайнчиси Дилмурод Мамаюсупов; Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ижарачиси Мўйдинжон Отахонов.*

■ **Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.**

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

МУҚОБИЛ, МУЪТАДИЛ, МУНТАЗАМ ДАРОМАД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энди Қурбондурдидан сўрасангиз, камтарона гап қилади: «Ишлаб юрибмизда, раисдан маош сўрамасак, техника сўрамасак, ўғит сўрамасак... Ўзимиз ўйлаб, ўзимиз ишлаб, ҳузурини ҳам ўзимиз кўраяпмиз. Биров мушугимизга «пишт» демаса. Мустақиллик шу-да, оғайни!..»

МАОШ ОЛМАГАН МАДРИМБОЙ

Мадримбой эсини танибдики, сурув ёнида. Отаси билан колхоз қўйларини боқа бошлаганида чамаси етти ёшларда эди. Мактабдаям ёлчиб ўқимади, тирикчилик экан — мингга ча санашни ўрганди, холос.

Отасига ҳалиям ачинади — хўжаликнинг беш юз бош қўйини боқиб тузукроқ иморат тиклай олмай ўтиб кетди. «Қорнимиз тўқ, устимиз бут, шунга шукр!» — дерди ўзини таскинлаб.

Бу орада хўжаликларда қўйчилик тугатилди — беш юз бош сурув бир кунда йўққа чиқарилди. Энди ўйлаб кўрса юз боши раисники, яна юз боши ҳисобчиники, эллиги яна бир амалдорники... экан. Орасида ўзиники ҳам бўларди — ўн беш бошгина.

Отаси қариган — сурувга ярамайди, бу ёқда болалар улғайган, ейман, кияман деб турибди.

Мадримбой ўн беш чоғлиқ қўйни овулнинг паст-баландида ўтлатиб юрди. Қўй тош эмас, етилган уруғга ўхшайди, баҳор келса унади-кўпаяди. Икки йилда юз бошга етди. Ҳамма ёқ пахтазор — қаерда ўтлатаман, деб юрганида отаси маслаҳат солди: «Ўғлим, бу бизга отамерос касб. Сурув ортидан қолма! Бошда борини кўрарсан!»

Отаси ўтди — сурув қолди. Эски одати баҳор келмай қумликларга чиқиб кетади. Кеч кузда пахта йиғиб олингач, овулга қайтади.

Бугун Мадримбой қишлоқнинг энг бой одами. Қўйэчкилари сони уч юздан зиёд. Шахсий техникаси бор, кўчиб яшаш учун ихчам вагонча олган.

Унинг даромади — йилига ўртача икки юз эллик кўзи олади. Бу беш миллион сўм маблағ дегани. Икки мавсумда қирқилган жунини бозорга солади, у йиллик харажат, борди-келдини қоплайди.

Шу сурув ортида қиш-ёз юриб беш ўғлини уйлантирди, уйлик-жойлик қилди. Ҳаммасига енгил машина олиб берди. Қизларини чиқарди, оиладан тинчиган ҳисоби. Энди навбат невараларга. Ҳар йили бирисини уйлантиради. Тўйнинг барча харжи чўпондан. «Бу дунёда бошқа не ташвишим бор. Оилам тинч — юрт тинч!», — дейди Мадримбой.

Мустақилликдан сўнг фермер хўжаликлари ташкил қилина бошлагач, ҳисобчиликка ўқиган ўғлининг ундашига учиб, ҳукумат идоралари эшикларини қоқди, фермер бўлиш ниятини айтди. Йўқ, воҳада қўйчиликка ихтисослашган фермерлик йўқ экан. Ҳарқалай шундай дейишди.

Мақсади — беш-ўн гектар ер ажратишса бўлгани. Эвазига жун, гўшт топширарди. Тағин қоракўл тери.

Йўқ, илож йўқ экан. Нима, сурувини сотсинми? Йўқ, ҳарқалай одамларга нафи тегяпти, ўз юкини ўзи кўтариб юрибди. Озми — йилига икки юздан зиёд қўй-қўзи сотса. Ахир кимлардир оляпти, керагича ишлатяпти, тўй-томошасига сарфлаяпти. Ихтиёрида юзлаб хизматчи, техника, замонавий молхоналар бўлган хўжаликда чорвачилик фермалари раҳбарларининг уқувсизлиги, нафси ҳакалак отганидан банкрот бўлиб, тугаб битди...

Бу бир чўпонча фалсафа. Аслида қишлоқда Мадримбойга ўхшаган ихтиёрий чўпонлар кўп. Уларнинг бировга оғирлиги йўқ — йилнинг саккиз ойини Қорақум ёки Қизилқум яйловларида ўтказишади. Қишлов эса қишлоқда.

Қўйчилик Хоразмда якка тартибдаги сердаромад соҳа. Шунинг учун ҳам қишлоқда бир-икки бош қўй-қўзи асрамаган хонадон йўқ ҳисоби. Аниқ ҳисобларга кўра, ҳовлисида ўн беш бош қўйи бўлган оила йил бўйи оиласини тўқ, фаровон тебратиши мумкин.

...Мадримбой маош нималигини билмайди. Қачон зарурият туғилса қўзи-қўчқори Хазорасп бозорига ҳайдайди. Бир қоп пул билан қайтади.

Қишлоқда ким бой? Мадримбой!

Қишлоқда ким обрўли? Мадримбой!

...Баҳор бошида Мадримбой бўй тортган неваралари билан қумликларга қўй ҳайдаркан, қўни-қўшниларининг ҳам бешўн бош қўйларини савоб учун сурувга қўшади: «Бирники — мингга! Мингники — туманга!» дейди у беминнат хизматига изоҳ бериб.

СОАТИГА БЕШ МИНГ СЎМ!

Ўғил момо ўзича тадбиркор. Ўғли қурилишда, келини хўжаликда ишлайди. Бировга қараб қолган жойи йўқ. Меҳнатда суяги қотган эмасми, уйида тинч ўтиролмайди — товуқ боқади. Оз эмас — икки юз товуқ. Тонгда бутун қишлоқни уйғотадиган даканг хўрозлари ҳам бор.

Бешинчида ўқийдиган невараси ҳисоб-китоб қилибди: бувисининг оила бюджетига ҳиссаси — прораб ўғлиникидан беш ҳисса кўп экан. Яъни, кампир ҳар ҳафтада тўрт марта бозорга чиқади. Икки юз товуғи кунига юз донагача тухум қилади. Икки кунлигини пақирга солиб бозорга элтади — ҳар донасини кўтарасига еллик сўмдан сотади — ўн минг сўмни рўмолига тугиб уйига қайтади. Невараларига қанд-қурс ҳам олади.

Ҳафтасига қирқ минг сўм тайёр. Ойига бу юз эллик минг сўмга боради...

Момо неварасининг содда ҳисоб-китобидан сўнг сандиқдаги пулларини хомчўт қилса тўрт миллиондан ошибди. Буни билган невара велосипед олиб берасиз, деб кунда жаврайди. «Шошма, — дейди момо. — Яна ярим йил-бир йилга отангни ҳам, сени ҳам уловли қиламан. Дадангга «Тико» олиб бермасам, ишга қатнаб қийналиб кетди...»

Товуқ — етти хазинанинг бири, деб шуни айтадилар.

Нимаси қийин? Боқишми? Кунига нари борса бир соат оворагарчилиги бор. Сувидони дегандай. Яна баҳор-кузда жўжа очириш. Уйда ҳар доим гўшт, тухум. Яна шунча даромад...

Ҳукумат қўшимча томорқа бергани аъло бўлди. Товуқнинг озуқаси шу ердан чиқяпти. Яна каттагина боғидаги дарахтлар оралиғига тезпишар дон-дун ҳам экади. Чиқими оз, даромади бир олам.

ТОМОРҚАДАГИ МИЛЛИОНЛАР

Бахтиёр ҳали қирққа бормаган. Куч-қуввати бор. Илгари қурилиш ташкилотида ишларди. Беш йил бўлдики, хўжаликдан икки гектар ижарага ер олган. Тўрт ўғли бор — сарф-харжи ошяпти. Пахтадан оладиган ўсимлик ёғи, мол-ҳолга ем дегандай...

Иморатдан ортган ўн сотих томорқасига узум эккан. Икки юз туп атрофида. Қарабсизки, ҳеч бўлмаганда, ярим миллион сўм олти ойда чўнтакка нақд тушиб турибди.

Узумнинг меҳнати осон. Баҳорда очиш, хомток қилиш, сув тараш. Нари борса икки қоп минерал ўғит кетади. Кузда ошна-оғайниларини чақириб бир кунда кўмади. Тамом!

Бахтиёр қўшимча томорқасига буғдой экиб, бир йилга етгулик ҳосил оларди. Қўшимча томорқаси шахсий томорқасига ёндош. Икки йил олдин қўшимча томорқага ҳам ток кўчати экди. Икки юз эллик туп узум насиб қилса, келаси йилдан ҳосил бера бошлайди. Яна икки-уч йилдан сўнг мавсумда ўн тонна узум сотади, деб ўйлайверинг. Шунда элатда ким бой — Бахтиёр бой бўлади.

«Деҳқонни ер тўйдиради!» Бу бахтиёрча содда фалсафа. Юртбошимизнинг: «Деҳқон тўқ бўлса, бутун мамлакат ҳам бой бўлади!» деган сўзининг ихчам исботи.

✧ ✧ ✧

Хуллас, бугунги қишлоқ кишилари ҳақида кўп ёзиш мумкин. Бир парча ердан ҳам даромад олаётганлар бор. Бешўн сотих ердан рўзғорини бутлаб, орзу-ҳавасини қилаётганлар қанча. Шуларни кўриб туриб ўйлайман: қишлоқда яшаб туриб, иқтисодий қийинчиликдан нолиган одам кимдан хафа бўлиши керак? Бировданми, ўзиданми?..

■ Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Хоразм вилояти Боғот тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги

ОИЛА, БОЛА, МАҲАЛЛА, ТАРБИЯ

ВАГОНДАГИ «БОЗОР» БОЛАЛАРИ

Ўғлингиз ё қизингиз билан охирги марта қачон дилдан суҳбатлашгансиз? Уларнинг кўнглида нима гапи борлигини биласизми?

Кимдир кеча менга шу саволларни берса, «Қайдам, ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман», дердим елка қисиб. Бугун эса ўйлаяпман, тўғрироғи, ўйлашга ўзимни мажбурлаяпман. Бунга яқинда ўз кўзим билан кўрган бир воқеа сабаб бўлди.

...Электричкада йўлга отландик. Йўловчилар билан тирбанд Тошкент — Ховос электр поездига ҳар станциядан турфа хил одам: қоп орқалаган, каттакон сумка кўтарган хотин-халаж, болалар дув-дув чиқади, тушади. Йўловчи йўловчику-я, турнақатор сотувчиларнинг кети узилмайди. «Янгийўл кир совуни», «Чиноз балиғи...» дея бақир-чақир қилиб вагонма-вагон зир югуришади. Хорижий сақичлар, сигарета, печенье, шоколад, дудланган баликдан тортиб, дудланган хасипгача бор. Бир чеккаси шуларнинг бориям яхши, олди-сотдининг ҳеч нимага зарари йўқдай.

— Опагинам, узоққа борадиганга ўхшайсизми? — дафъатан қаршимда турган 15-16 ёшлар чамасидаги қизчанинг саволини унчалик англамадим. Ўтиришга жой сўраяптимикин, деб ўриндиқнинг бурчагига сурилдим. Биқинимдаги ўғлим норози оҳангда менга: «Сотувчи-ку, ўтирмайди» дейди-ю, сўнг унга юзланади: «Узоққа борамиз!» Ўзи қизиқсиниб сотувчининг оғзига тикилади. «Маладец, болакай, унда «база» бўп турингилар, қуруққа эмас, «операция»ни тугатай, «қуруғи»дан оласизлар». Қиз шундай дедида, кўз очиб-юмгунча каттакон оғир сумкани оёғимиз остига жойлади. Сўнг ўғлимга: «Болакай, бекор ялпайиб ўтирганингдан фойда йўқ, юр, бир «ходка» қилиб келамиз», деди менинг розилигимга заррача қизиқмай. Ўғлим ҳам қизиқсиниб дик ўрнидан турди, сўнг хавотирланиб менга қаради-ю, шалвираб жойига ўтирди. «Ну ты даёш, мамино сынок, значить «бабка» сенга керакмас, эҳ, ты...» У халқнинг жаҳи тинмайди: «Асл совун, совуннинг «дода»си, «ўзи ювар совун...» Унинг «рекламаси»га биров кулади, биров куяди, бири лоқайдгина юзини ўгиради. «Ғилдирак устида»ги савдо бир ўт олар, бир пасаяр, худди бозорнинг ўзгинаси эди. Сотувчилар — ёш қизлар, ўспирин йигитчалар. Улар вагонни бошига кўтариб гаплашар, хохолашар, куракда турмас сўзлар билан ўзаро баҳслашиб кетишарди.

Уларнинг исмлариям ғалати — Нуну (Нодира), Гуза (Гўзал), Зули (Зулхумор), Шуха (Шуҳрат), Датик (Кудрат), Шака (Шамсиддин)... Бу исмларни мен Нуну (Нодира) билан суҳбат чоғида билиб олдим. Дунёга келган гўдакка ота-онаси яхши ният билан исм қўйиб, қулоғига азон айтиб, маълум қилади. Бу ёшлар ҳатто ўзининг кимлигиниям унутган, ўз исмигаям беписандлигидан киши даҳшатга тушади.

— Нуну, қайси мактабда ўқирдинг? — сўрайман. Қиз лоқайд қўл силтади:

— Энди нима аҳамияти бор? Ёмон ўқувчидан мактаб фақат қутулишни ўйлайди...

Ҳозир у шерикларидан бири Шуха (Шуҳрат ҳали 17 ёшга ҳам тўлмаган) билан бирга яшаркан. Шуҳрат ярим йилча бурун ўғирлик қилгани учун отасининг жазолашидан қўрқиб, уйидан қочганмиш. Қизиғи, қиз ҳаётидан на нолиди, на мақтанди. Чунки, унинг ўзи ҳам ҳаётнинг қайси кўчасига кириб қолгани-ю, бу кўчанинг боши борми, беркми, билмас, ўйлаб ҳам кўрмасди.

Вагонимизга кейинги станциядан яна йўловчилар ёпирилиб чиқди. Сотувчилар шоша-пиша халталарини кўтариб, харидор чақириб одамлар орасига сингиб кетишди.

«Ғилдирак устидаги бозор»дан кун кўраётган ёш-яланглар кўздан йўқолди. Лекин қулоғим остидан уларнинг беҳаё сўзлашган, кулишлари кетмасди. Хаёлимга турли саволлар кела бошлади: бу болаларнинг ота-онаси, мактаби, маҳалласи борми? Худди уларга ўхшаганлар эртага яна пайдо бўлмаслигига ким кафолат бера олади?..

Баъзан биз йўлдан адашган ёшлар ҳақида гап кетса, «оилада тарбияси бўш бўлган-да», деб таъкидлаймиз. Эҳтимол шундайдир. Аммо оилада ҳар хил муҳит бўлиши мумкин. Қаровчисиз оила, ночор оилалар бор. Шу ўринда маҳалла-қўйга кўп нарса боғлиқ, деб ўйлайман. Маҳаллада «бу фалончининг боласи» деб аяб ўтирилмайди, сал чакки қадам ташлаган ёшлар дарҳол тартибга чақирилади. Бир франциялик олима билан суҳбатлашганимда: «Ўзбек оиласи тарбия мактаби бўлса, маҳаллалари тарбия академиясидир» деганди.

Дарҳақиқат, шундай. Афсуски, баъзан маҳалла-қўйнинг кўз ўнгида бир ёш қиз ёки йигит ҳаётда қоқилиб, йўлдан адашиб кетади-ю, ҳеч биримиз унинг тақдирига аралашмаймиз, ачинмаймиз. Менга нима, қабилида тутамиз ўзимизни. Ваҳоланки, эртага бу тарбиясизлик жабрини ҳаммамиз тортамиз.

■ Саида САЙХУН

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз раҳбарининг табригида таъкидланганидек, журналистларимиз ҳаётнинг олдинги сафларида юриши ва жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда ватандошларимизга кўмакдош бўлмоғи лозим.

Айниқса, бугунги шиддатли кунларда журналист ижодининг замирида ўз касбига меҳр ҳам, садоқат ҳам, оғир ва сермашаққат меҳнатидан фахр ҳам, масъулият ҳам бутун сийрат-суврати билан намоён бўлмоғи шарт! **«Чунки,** — дейилади Йўлбошчимиз табригида, — **ютуқни — ютуқ, камчиликни — камчилик, жиноятни — жиноят, хиёнатни — хиёнат деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради».**

Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни янада кучайтириш, турлича қарашларни, ҳаёт ўзгаришларини холис ва ҳаққоний ёритишда жамиятимиз суянчи ва таянчи бўлиш борасидаги фикрлари республикамизнинг барча қалам аҳли қатори партиямизнинг ижтимоий-сиёсий газеталари журналистларини ҳам янги ижодий изланишларга чорлаши табиий. Улар миллий истиқлол ғояларини янада кенгроқ тарғиб этишлари, мамлакатимизда бораётган ислоҳотлар жараёнларига ғов бўлаётган иллатларни партиявий позициядан туриб, ҳаққоний ёритишлари керак деб ўйлайман.

■ Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Люксембург савдо-саноат палатасида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда Люксембург ижтимоий-сиёсий доираси вакиллари, тадбиркорлар ва етакчи иқтисодчилар ҳамда журналистлар иштирок этдилар.

Мамлакат савдо-саноат палатаси халқаро савдо бўлими раҳбари Жан Клод Вескнинг айтишича, мазкур анжуман герцоглик фуқароларига республикамиз бугунги ҳаётининг барча жабҳалари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Намойиш чоғида люксембурглик тадбиркорлар ўзбекистонлик ҳамкасабалари билан биргаликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканлигини билдирди. Хусусан, улар мева-сабзавот, қурилиш материаллари, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамкорлик истиқболли эканини таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчиси А. Шайхов юртимизда чет эл инвестициялари учун яратилган шароитлар тўғрисида гапириб, люксембурглик тадбиркорларни ҳамкорликка чақирди.

■ Жаҳон» АА

ҲУНАР — ХАЗИНА, ҲУНАРМАНД — ХАЗИНАБОН...

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқ ҳунармандчилигига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес йўли билан мўъжаз-мўъжаз ҳунармандчилик устахоналари ва дўконлари фаолиятига катта имкониятлар яратилди. Уларнинг сони ошди, маҳсулотлари тури кўпайди, сифати яхшиланди. Энг муҳими, устазодалар, ишчизодалар сингари сулолалар қайта тикланиб, пировардида, ишсизлик муаммоси ҳам ўз-ўзидан ечим топа бошлади. «Ҳунар — хазина, ҳунарманд — хазинабон» дегани ҳам шу бўлса керак, аслида.

Шаҳрисабздаги «Искандар» ишлаб чиқариш корхонаси бунга ёрқин мисол. Ҳозир бу ерда Фарғонадан келишган кулолчилар ва миллий тикувчилик соҳибаларининг ҳамда улардан иш ўрганаётган маҳаллий ёш йигит-қизларнинг қўлиқўлига тегмайди. Улар ясаётган тандирлар ва тикаётган миллий либослар харидорлар дидига манзур бўлмоқда.

Суратларда: корхонанинг тажрибали чевар тикувчиси Мақсуда Бойрибали муродова (чапдан учинчи) ўз шогирдлари даврасида; моҳир кулоллар Юнус Йигиталиев билан Равшан Холдоров тандирлар сифатини кўздан кечиришяпти.



■ Абдурасул ПАРДА олган суратлар

БИР ОИЛА



Форма №4.

АКТ №637

24 Августа 1938 г.

Мы, нижеподписавшиеся—дежурная медсестра приемного покоя Арестова, ответственный дежурный ТИТУ Пучков, санитарка Артемьева составили настоящий акт в том, что находящийся на стационарном лечении заключенный Дадахўжаев Ҳусан Қадир, личного дела 1102 по поводу расследования, пролежавший в стационаре с 23/VIII сего числа в 2 час. скончался от [illegible]

Главврач
Дежурная медсестра Арестова
Ответдежурный ТИТУ
Санитарка Артем.

Тип. Сазлага № 982—2000—38 г.

Бедодликни қарангки, ўлимидан кейин ҳам Ҳусанхўжа Дадахўжаевнинг «жиноий иши» ҳаракатдан тўхтатилмайди. Фақат орадан 25 кун ўтгач, 1938 йилнинг 19 сентябрь куни маҳбуснинг ўлими тўғрисидаги акт синчиклаб ўрганиб чиқилгандан сўнг: «Тергов тўхтатилсин», деган қарорга ўша йиллари Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссари лавозимида ишлаган майор Апресян «Тасдиқлайман» деб имзо чекди.

Ҳусанхўжа тиббий кўрикдан 13 августда ўтказилган эди. Лекин, врачлар маҳбуснинг аҳволи ниҳоятда ёмон эканини тасдиқлаб берганларидан кейин ҳам, у яна 10 кун давомида зах камерада сақланди, маҳбус 23 август кунигина қамоқхона стационарига ётқизилди ва 24 август куни ярим кечаси оламдан ўтди. Демак, Ҳусанхўжа касалхонага беҳуш ҳолда келтирилган ва у бир кун беҳуш ётиб, жон таслим қилган.

Ҳусанхўжа, умуман, қамоқхона стационарига ётқизилиб, даволанмаган, қамоқхона шифокорлари эса маҳбуснинг ўлимини расмиятчилик юзасидан қайд этиб қўйган бўлишлари ҳам мумкин. Чунки, 38-йилда ҳатто совет табобати ҳам сиёсат қулига айлантирилган эди.

Отасининг қамоқхонада қийноқдан азоб чекиб ўлганидан хабар топган болалари, албатта советларга қарши кайфиятда бўлади, деган хулосага келган хавфсизлик ходимлари энди марҳумнинг болаларини ҳам зимдан таъқиб қила бошлайдилар. Ёлланган гувоҳларнинг бичиб-тўқиган хабарлари асосида 1949 йилнинг охири — 1950 йилнинг бошларида ака-ука Имомхон ва Саидаҳмад Ҳусанхўжаевлар ҳам қамоққа олинадилар.

Имомхон Ҳусанхўжаевнинг айблов ҳужжатларига отасининг бой, ер эгаси бўлгани ҳам жиноят саналиб, айблов ҳужжатида қайд этилади.

1949 йил 12 ноябрдаги терговда терговчи унга шундай савол беради:

«Савол: — 1938 йилда отангиз нима учун қамалган?

Жавоб: — Мен отамнинг жиноий ишлари тўғрисида ҳеч нарса билмайман.

Савол: — Уни суд қилишганми?

Жавоб: — Билмайман. Отам қамалгандан кейин 6 ой ўтгач, онам мени чақириб (мен 1927 йилдан бери отаонамдан бўлак, алоҳида яшардим), отамнинг қамоқда вафот қилганини айтдилар».

Давлат Хавфсизлик комитетининг 1950 йил 14 октябрдаги қарорига кўра, Имомхон Ҳусанхўжаев советларга қарши бўлган миллатчи гуруҳлар иштирокчиси ва тарғиботчиси деган айблар билан 10 йил муддатга кесилади. Бу ҳам етмагандек, 1950 йилнинг 10 май куни Ҳусанхўжа отанинг кенжа ўғли — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, таниқли адиб Саидаҳмад Ҳусанхўжаев (Саид Аҳмад)га ҳам шунга яқин сиёсий айб қўйилиб, уйи тинтув қилинади. Унга ҳам «аксилшўровий миллатчилик гуруҳи аъзоси, зарарли ғоялар тарғиботчиси» деган айблар қўйилади. Отасининг совет ҳукуматига ёт синфий унсур — бой ва савдогар бўлганлиги ҳам ҳужжатларида қайд этилади. Бу ҳақда унга бир қанча саволлар ҳам берилган. 1950 йил 28 июлда қилинган сўроқнома бунга яққол мисол бўла олади.

«Савол: — Сизнинг аканг Имомхон Ҳусанхўжаев 1949 йил 28 ноябрда бўлган тергов вақтида отангиз билан бобонгиз инқилобгача Тошкентда бир неча бозорларнинг хўжайини, хусусий озиқ-овқат дўконининг эгаси бўлганини тасдиқлаган. Ўша мол-мулклари 1927 йилда мусодара этилиб, давлат фойдасига ўтказилганлиги тўғрисида кўргазма берган. Сиз шу кўрсатмани тасдиқлайсизми?

Жавоб: — Тўғри, отам ўтмишда Тошкентнинг таниқли савдогарларидан бири бўлган. Шаҳардаги бир неча бозорларнинг хўжайини, шунингдек, хусусий дўкон эгаси экан. Самарқанд дарвозасидаги икки қаватли уй, мевазор боғ илгари бобомга қарашли бўлган, сўнг 1927 йили бобомнинг мол-мулки мусодара қилингач, ҳаммаси тортиб олинган. Ҳозир у ерда 10-болалар уйи жойлашган.

Савол: — Отангиз нима учун қамалган?

Жавоб: — Отам НКВД идораси томонидан, 1937 йили советларга қарши миллатчилик ҳаракатлари юритгани учун, деган айб билан қамалган экан. Лекин тергов пайтида қандай айб қўйилганини билмайман».

(Охири. Боши ўтган сонда)

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ўрмонларда кучли ёнғин юз бериши мумкинлиги муносабати билан Италияда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бундай қарор мамлакат Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган вазирлар йиғилишида бир овоздан маъқулланди. Тўғри, ҳозирча мамлакатга кучли ёнғин хавф солаётгани йўқ. Бироқ Италия жанубидаги қаттиқ қурғоқчилик ёнғин чиқиш хавфини юзага келтириши мумкин.

УЙ ҚАМОҒИДА БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ

ХАМАС ташкилотининг диний йўлбошчиси шайх Аҳмад Ёсин уй қамоғида бўлишига қарамай Газода бўлиб ўтган 1000 нафар фаластинлик иштирокидаги намойишда қатнашди. Фаластин раҳбарияти бундан бир ҳафта аввал унга нисбатан уй қамоғи белгилаганди. Ўшандан бери Ёсин биринчи марта омма орасига чиқди. Намойишчилар фаолиятини диққат билан кузатиб турган фаластин полицияси Ёсинни қамоққа олишга ҳаракат қилмади.

АВФ ЭТИЛИШИНИ МАЪҚУЛЛАШДИ

Қирғизистон парламентининг қонун чиқарувчи мажлиси шу йил мартда мамлакат жанубида юз берган қонли тўқнашув иштирокчиларининг барчасини авф этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан маъқуллади.

Гап шундаки, шу йил 17-18 март куни мамлакат жанубий ҳудуди аҳолиси билан, аниқроғи, Қирғизистон парламентининг қонун чиқарувчи мажлиси депутати, 1995 йили прокурорлик лавозимида хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда айбланиб, қамоққа олинган собиқ прокурор, Азимбек Бекназаров тарафдорлари билан Аксу тумани ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари ўртасидаги қонли тўқнашув натижасида 5 киши ҳалок бўлган эди, ўнлаб кишилар эса турли даражада тан жароҳати олишганди. Ўшанда вазиятни юмшатиш мақсадида ҳукумат Бекназаровни озодликка чиқаришга мажбур бўлди. Бироқ май охирида депутат барибир Жалолобод вилоят суди томонидан суд қилинди. Қирғизистон қонунчилигига кўра, судланган депутат ўз мандатини топшириши лозим. Шунинг учун ҳам июннинг бошларида Қирғизистон жанубида яна норозилик намойишлари кучайди. Бекназаров тарафдорлари Қирғизистон жанубини марказ билан боғловчи ягона йўл — Бишкек — Ўш стратегик трассасини бир неча кун тўсиб қўйдилар.

Оммавий тартибсизлик Бекназаров иши юзасидан апелляция пайтида ҳам юз берди. Бир неча юз кишидан иборат оппозиция тарафдорлари Аксудан Ўшга қараб пиёда норозилик юришини амалга оширдилар. Ўш бир неча кун қамал ҳолатида яшади. Талабалар ҳам уларга қўшилиб кетмасин, деган умидда шаҳар раҳбарияти барча ўқув юртларида машғулотларни вақтинчалик тўхтатиб туришга мажбур бўлди.

Намойишчиларнинг биринчи галдаги талаби давлат органлари томонидан оппозициянинг таъқиб қилинишини тўхтатишдан иборат эди. Аммо уларнинг яна бошқа талаблари ҳам бор, яъни Қирғизистоннинг Хитой билан чегарадош ҳудудини Хитой ихтиёрига бериш тўғрисидаги битимга қарши чиқмоқдалар. Бундан ташқари март ойида бўлиб ўтган намойишда уларга қарата ўқ узилишида айбдор бўлган раҳбарлар қатиқ жазоланишини талаб қилишмоқда. Президент эса ҳукуматни тарқатиб юбориш билан чекланди, холос. Бироқ мамлакат парламенти жума куни оппозицияга яна бир оз ён босди: оммавий намойишларни уюштиргани ва қатнашганлиги учун қамоққа олинган барча оппозиция тарафдорлари авф этилишини парламент аъзоларининг кўпчилиги маъқуллаб овоз берди.

Республика бош вазири Николай Танаевнинг айтишича, намойиш иштирокчиларининг авф этилиши мамлакат жанубида чигаллашиб бораётган вазиятни юмшатишга замин яратади.

Хўш, оммавий норозилик намойишлари энди тўхтармикин? Бир нарса дейиш қийин, бу ёғини вақт кўрсатади.

ҚИСҚА ТУТАШУВ ЮЗ БЕРДИ ВА...

Хитойнинг «Huashang Bao» газетаси тарқатган манбаларда қайд этилишича, Хитойнинг Шимолий Шэнси вилояти олтин конидаги портлаш ва ёнғин оқибатида 46 киши оламдан ўтган. Электр узатиш кабелларидаги қисқа туташув бахтсиз ҳодисага сабаб бўлган. Бу ҳодисадан икки кун аввал эса мамлакатнинг шимоли-шарқидаги Хэйлунцзян вилояти кўмир конида ҳам портлаш юз берган эди. Метан газининг портлаши оқибатида 111 нафар шахтёр ва 4 қутқарувчи ҳаётдан кўз юмди.

Ҳозир иккала бахтсиз ҳодиса юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ИТАЛИЯ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ

КАРТОН ҚУТИГА ЯШИРИНИБ

Германия полициясиШарқий Германиядаги «Вальдек» қамоқхонасидан қочган 27 ёшли маҳбусни (қотиллиги учун қамалган) ўргатилган итлар ёрдамида қидирмоқда.

Маълумотларга қараганда, маҳбус картон қутилар ишлаб чиқариш цехида хизмат қиларди. Жума куни шу картон қутиларга маҳбуслар тайёрлаган маҳсулотлар солиниб, юк машинасида қамоқхонадан ташқарига — шаҳарга олиб борилган. Қайсидир картон қутига маҳсулот ўрнига маҳбус яшириниб олган бўлиши мумкин, деган фараз илгари сурилмоқда. Ҳозирча қидирув самара бермаяпти.

МУССОН ЁМҒИРЛАРИ НАТИЖАСИДА

Ҳиндистонда муссон ёмғирлари авжга минмоқда. Айниқса, мамлакатнинг ғарбий вилояти — Гужаратда кучли ёмғир оқибатида сув тошқини юз берди. 20 киши ҳалок бўлди, юзлаб одамлар жабр кўрди.

Қутқарув ишлари мувофиқлаштирувчиси К.К.Кошининг айтишича, вазият кучли назорат остига олинган. Қутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Ёмғир эса ҳали-бери тўхтамайдиган кўринади.

ҚИСМАТИ

Махсус мажлис ака-укани ўн йил муддатга қамоққа ҳукм қилади. Имомхон Ҳусанхўжаев жазо муддатини ўташ учун Омск жазо лагерига, Саидаҳмад Ҳусанхўжаев эса Қарағанда вилоятининг Жезқозғон шаҳридаги лагерга, мис конларида ишлатиш учун юборилади.

Сталин вафотидан кейин репрессияга учраган кишиларнинг жиноий ишлари қайта кўрила бошланди. Бу пайтга келиб кексайиб, мункиллаб қолган онаизор Зулфия ая ўғилларининг ишлари юзасидан «адолат қилиб беришларини сўраб» давлат идораларига мурожаат қилади. У 1954 йил 27 август куни СССР Бош ҳарбий прокурори номига ариза юборади. Натижада 1954 йилнинг 6 декабрь куни ўғли Имомхон Ҳусанхўжаев қамоқдан озод қилинади.

Тошкент Ирригация институтининг ўқитувчиси Зуҳур Ҳусанхўжаев 1957 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик Комитети раиси номига ариза ёзиб, 1938 йилнинг бошларида ноҳақ қамалган отасининг ишини қайта кўриб чиқишни, унинг айби йўқлиги учун оқлашга ёрдам берилишини илтимос қилади.

Шундан сўнг НКВД ходимлари Ҳ. Дадахўжаевнинг эски танишлари бўлмиш Лазиз Азиззода, каби собиқ маҳбусларни бирин-кетин сўроқ қила бошлайдилар. Жумладан, 1958 йил 9 май куни Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик Комитети катта лейтенанти Бектемиров 1900 йил 2 январда Оренбургда туғилиб, Тошкент САНИИРИ таъминот бўлими бошлиғи бўлиб турган Азиз Ўразаевни бу ҳақда саволга тутади. Азиз Ўразаев ҳам Ҳусанхўжани 1924 йилдан бошлаб, яъни Туркистон қишлоқ савдосида ишлаган вақтидан билишини, мазкур идоранинг Каттақўрғондаги вакили сифатида Тошкентга келганида бир неча бор мулоқотда ва меҳмонда бўлганини айтади.


Лист №
АНКЕТА АРЕСТОВАННОГО
1. Фамилия Дада-Ходжаев
2. Имя и отчество Хусан-Ходжа
3. Дата рождения: число "" месяц 11 янв год 1884
4. Место рождения г. Ташкент
5. Местожительство (адрес) г. Ташкент Ленинская ул. Мах Ханова дом 47/56
6. Профессия и специальность Нет
7. Место службы и должность или род занятий Краевое Дорожное Бюро г. Ташкент Республиканского Наркомпроса УССР
8. Паспорт Вид Ноб Ташкент 1927
9. Социальное происхождение с торговцев
10. Социальное положение свободный
а) до революции
б) после революции
11. Образование (общее и специальное) Высшее

Ниҳоят, Ҳусанхўжа Дадахўжаев қамоқда вафот этганидан сўнг, орадан 52 йил ўтгач, 90-йилнинг охирларида — собиқ СССРнинг тарқалиши арафасидагина отанинг оқлангани ҳақида хабар келади.

Қисматни қаранг, мусибатни қаранг, шўро тузумининг бешафқатлиги, бедодлигини қаранг. Бир оиладан тўрт киши қамоққа ташланди. Ота қамоқда ҳаётдан кўз юмди.

— Хўш, Саид Аҳмад ака, — дейман устоз ёзувчининг оппоқ сочлари, йиллар, алам ва армонларнинг муҳри босилган юзига тикилиб, — у қора империя ситамлари ўтиб кетди. Бугун юртимиз мустақил. Президентимиз ўша бегуноҳ кетган шаҳидлар, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини эъзозламоқда. Сиз шунга нима дейсиз?

— Муҳтарам Президентимизнинг «Қатағон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш» тўғрисидаги Фармони, Шаҳидлар хиёбонининг барпо этилиши, шаҳидлар хотираси кунини белгилаши, қийноқларда жон таслим қилган оталари, ака-укаларининг аламлари дилини ўртаган қанчалаб ғамгузор инсонлар каби менинг кексайиб қолган қалбимга ҳам чироқ ёққандек бўлди. Бу ишларга бош-қош бўлган муҳтарам Ислом Каримовнинг ҳақларига мен ҳам дуолар қиламан. Бу кўргиликлар, бу ноҳақликлар, бу адолатсизликлар абадий йўқликка чўкиб кетгани рост бўлсин!

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Шўро қамоқхоналарида азоб чеккан Ҳусанхўжаевлар бугунги истиқлол кунларида ёруғ кунларни кўриб, эъзоз ва эътиборда яшамоқдалар. Ўтмишда қамоқ туфайли қолиб кетган илмий-ижодий ишларини давом эттирдилар. Фарзандларининг ҳасратида куйиб, муштдеккина бўлиб қолган Зулфияхон аянинг икки фарзанди расман оқлангач, бироз кўксига шамол тегди. Унинг: «Э-э, худо, сўнгги масканимга болаларимнинг ўзлари кузатиб қўйсинлар!» деган илтижолари ижобат бўлди.

Ака-ука Имомхон ва Зуҳур Ҳусанхўжаевлар бирин-кетин ёруғ оламни тарк этиб кетдилар. Улардан биргина Саид Аҳмадга бугунги мустақиллик кунларини кўриш насиб этди. У бугун Ўзбекистоннинг забардаст, ардоқли ёзувчиси. Саксон ёшдан ошиб кетган бўлишига қарамай, қўлида қалами, ижоди борган сари қуюқлашиб, фикри тиниқлашиб, гўзал асарлар яратяпти. Президентимиз Ислом Каримов уни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлади, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирлаб, кўксига «Олтин юлдуз» тақиб қўйди.

Менимча, кеча ким эдигу бугун киммиз, деган саволга бу оила, Саид Аҳмад ака тақдири асосли жавоб бўлади.

■ Шерали ТУРДИЕВ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

2002 ЙИЛ 5,12,19,26 ИЮЛЬ ВА 2,9,16,23,30 АВГУСТ КУНЛАРИ КИМОШДИ ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

КИМОШДИ САВДОСИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

КЎЧМАС МУЛКЛАР
5, 12 ИЮЛЬ

Тошкент шаҳар, А. Икромов тумани, Раҳимбобоева кўчаси, 36-уй, 26-хонада жойлашган 2 хонали хонадон сотилмоқда.

Бошланғич нархи — 1 717 282 сўм.

5, 12, 19, 26 июль 2, 9, 16, 23, 30 август

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м. ва Г-38,0 м. кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 75 ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

5,12 ИЮЛЬ

I-Тошкент Давлат тиббиёт институтига қарашли, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, майдони 5333,0 кв. метр бўлган, 4 қаватли 7-сонли ётоқхона биноси.

Бошланғич нархи — 130 000 000 сўм ёки 188 954,0 АҚШ доллари.

«Тошкент подшипник заводи» очиқ акциядорлик жамияти балансидаги Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 106-уйда жойлашган, майдони 341,5 кв.метр бўлган ошхона биноси.

Бошланғич нархи — 5 000 000 сўм ёки 7 268,0 АҚШ доллари.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Туркистон кўчаси, 7-уйда жойлашган, қурилиш майдони 1906 кв.метр бўлган «Локомотив» меҳмонхонаси (мулкий мажмуа тарзда).

Бошланғич нархи — 448 570 300 сўм ёки 651 992,0 АҚШ доллари.

19, 26 ИЮЛЬ

Давлат спорт қўмитасига қарашли, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98а-уйда жойлашган, «Юлдузлар ошёни» шўъба корхонасининг мол-мулклари.

Бошланғич нархи — 656 100 сўм.

Ушбу корхонанинг 1 285 100 сўм миқдордаги қарзи янги мулкдорга юклатилади.

2, 9 АВГУСТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Капитал қурилиш бош бошқармасига қарашли 1-сонли капитал қурилиш бошқармасининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 2508,0 кв.м. бўлган 6-сонли ҳаммом биноси.

Бинонинг бошланғич нархи — 56 231 941 сўм.

2, 9, 16, 23, 30 АВГУСТ

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Ўрикзор мавзеси, Самарбону кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Бошланғич нархи — 672 000 сўм.

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Ўрикзор мавзеси, Зарафшон ва Саховат кўчалари кесишувида жойлашган, сатҳи 0,039 гектар бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Бошланғич нархи — 655 200 сўм.

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Ўрикзор-1 мавзеси, Боситхон 6-тор кўчасида жойлашган, оқава сув тармоғини кўчириш шарти билан, сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Бошланғич нархи — 672 000 сўм.

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катта Қани кўчасида жойлашган, биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси жойлаштириладиган, сатҳи 0,057 гектарли ер майдонининг 0,04 гектарга тенг қисмига ва 0,017 гектарга тенг қисмига эгалик ҳуқуқи сотилади.

0,04 гектарга тенг қисмининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

0,017 гектарга тенг қисмининг бошланғич нархи — 272 000 сўм.

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ
5, 12 ИЮЛЬ

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Файзулла Хўжаев кўчаси, 2-уйда жойлашган ДАБ «Ўзкабель»га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

1992 йилда и/ч «ВАЗ-2109», д/р 10 АС 485. **Бошланғич нархи — 1 110 413 сўм.**

1992 йилда и/ч «ГАЗ-31029», д/р 6900 ТНБ. **Бошланғич нархи — 976 469 сўм.**

1992 йилда и/ч «ГАЗ-2410», д/р 6589 ТНБ. **Бошланғич нархи — 672 041 сўм.**

1992 йилда и/ч «ГАЗ-САЗ-3507-02», д/р 0774 ТНА. **Бошланғич нархи — 1 622 527 сўм.**

1992 йилда и/ч «ГАЗ-САЗ-3507-02», д/р 0775 ТНА. **Бошланғич нархи — 1 622 527 сўм.**

1992 йилда и/ч «ЗИЛ-495710», д/р 0880 ТНН. **Бошланғич нархи — 2 971 987 сўм.**

1992 йилда и/ч «ЗИЛ-ММЗ-4502», д/р 4255 ТНБ. **Бошланғич нархи — 1 905 120 сўм.**

1989 йилда и/ч «КамАЗ-55111», д/р 8561 ТНИ. **Бошланғич нархи — 4 228 604 сўм.**

1989 йилда и/ч «КамАЗ-5410», д/р 7097 ТНИ. **Бошланғич нархи — 5 409 452 сўм.**

1989 йилда и/ч «ОДАЗ-9370», д/р 5689 ТН. **Бошланғич нархи — 1 496 880 сўм.**

5 ИЮЛЬ

Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси, 7-уйда жойлашган «Атмосфера» илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технология институтига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

1990 йилда и/ч «УАЗ-3303», д/р 10 АС 364.

Бошланғич нархи — 474 851 сўм.

1990 йилда и/ч «ИЖ-27151-011», д/р 1979 ТНБ.

Бошланғич нархи — 416 745 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Академик Я. Ғуломов кўчаси, 66-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси «QONUN HIMOYASIDA» бирлашган таҳририятига қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси:

1995 йилда и/ч «ВАЗ-2106», д/р 0555 ТНС.

Бошланғич нархи — 673 956 сўм.

Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчаси ЎзМУ маъмурий биносида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига қарашли «Университет» нашриётининг «ЗАЗ-968» русумли қуйидаги автотранспорт воситалари:

1993 йилда и/ч «ЗАЗ-968», д/р 10 АА 517.

Бошланғич нархи — 100 000 сўм.

1993 йилда и/ч «ЗАЗ-968», д/р 10 АА 516.

Бошланғич нархи — 120 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ниёзбек Йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзкоммунхизмат» агентлигига қарашли «Таъмирлойиҳа» минтақа филиалининг давлат рақами 8756 ТНМ бўлган «ИЖ-2715» русумли автомобиль воситаси.

Бошланғич нархи — 346 141 сўм.

19, 26 ИЮЛЬ

М. Улуғбек тумани Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 122/1-уйда жойлашган «Чимён» фирмасига қарашли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 12 24 ТНБ бўлган «ВАЗ-2107» автомобиль воситаси.

Бошланғич нархи — 562 320 сўм.

Чилонзор тумани, Ц мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган, Тошкент шаҳар хўжалик судига қарашли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AW 327 бўлган «ГАЗ-3102» автомобиль воситаси.

Бошланғич нархи — 2 199 015 сўм.

26 ИЮЛЬ, 2 АВГУСТ

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, М.Мирпўлатов кўчаси, 57-уйда жойлашган «TOSHSHAHARYOLOVCHITRANS» давлат уюшмасига қарашли «3-автобус саройи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг давлат рақами 0801 ТНД бўлган «Доган S-» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 1 844 605 сўм.

ТАНЛОВ САВДОСИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ.
15, 19, 26 ИЮЛЬ

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Гулбаданбегим кўчаси, 50-уйда жойлашган, 50-сонли болалар боғчаси (мол-мулки билан) савдога қўйилади.

Бинонинг бошланғич нархи — 19 805 600 сўм ёки 28 482 АҚШ доллари.

26 ИЮЛЬ 2,9 АВГУСТ

Чилонзор тумани халқ таълим бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Чилонзор» даҳаси, 8-мавзеда жойлашган 310-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 4 376 600 сўм ёки 6 294 АҚШ доллари.

Юнусобод тумани халқ таълим бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, «Юнусобод» даҳаси, 19-мавзеда жойлашган 218-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 16 816 000 сўм ёки 24 183 АҚШ доллари.

2, 9, 16 АВГУСТ.

«Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти балансидаги, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, «Абдуллаева» даҳаси, 3А-уйда жойлашган, 4-сонли болалар боғчаси. **Бошланғич нархи — 40 000 000 сўм ёки 57 523 АҚШ доллари.**

Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси. **Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 584 АҚШ доллари.**

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Кимошди ва танлов савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўланади.

Кимошди савдолари соат 10.00 да бошланади.

Танлов савдолари соат 11.00 да бошланади.

Шунингдек, ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдолари ўтказилади.

Савдога қуйидагилар қўйилган:

КЎЧМАС МУЛКЛАР

- Юнусобод туманида жойлашган «ТошДИЭС» стадиони, мол-мулки билан биргаликда.

Бошланғич нархи — 40 000 000 сўм.

- Сирғали туманида жойлашган ошхона биноси.

Бошланғич нархи — 5 964 429 сўм.

- Миробод туманида жойлашган ётоқхона биноси. **Бошланғич нархи — 19 552 477 сўм.**

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган бинолар:

- Маиший хизмат кўрсатиш маркази, **бошланғич нархи — 2 861 499 сўм.**
- Тиббий санитария қисми, **бошланғич нархи — 65 008 265 сўм.**
- Ичкари йўналтириш шаҳобчаси, **бошланғич нархи — 5 306 675 сўм.**
- Босмахона, **бошланғич нархи — 13 340 689 сўм.**
- Йиғув-узатув бўлими, **бошланғич нархи — 208 659 321 сўм.**
- Муҳандислик лаборатория бўлими, **бошланғич нархи — 9 566 310 сўм.**
- Чўян қуйилмалари цехи, **бошланғич нархи — 1 734 490 748 сўм.**

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ:

- «ЗиЛ-341410», д/р 10 AG 258, и/ч йили 1989, **бошланғич нархи — 867 878 сўм.**
- «ЗиЛ-138 А», д/р 10 AG 079, и/ч йили 1965, **бошланғич нархи — 640 365 сўм.**
- «ГАЗ-310200», д/р 10 AO 794, и/ч йили 1995, **бошланғич нархи — 2 739 145 сўм.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. (Мўлжал метронинг «Алишер Навоий бекати»)
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

НОСТРИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНИ

ХОРИЖДАН ДИПЛОМ ЭМАС, БИЛИМ ОЛИШГА ИНТИЛАЙЛИК

Мустақиллик ҳар бир кишига эркинлик берди. Хусусан, таълим соҳасида ҳам. Дунёнинг исталган нуқтасига бориб нафақат билим олиш, балки қобилиятимизни намойиш этиш имкони бор.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг машҳур беш тамойилининг бирида белгилаб берилганидек, таълим соҳасидаги туб ислоҳотлар тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида бевосита давлат назоратига олинади.

Кўплаб ёшлар «Умид» жамғармасининг йўлланмаси билан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония каби ривожланган давлатларнинг нуфузли университетларига таҳсил олиш учун юборилди. Ўқиш билан боғлиқ барча молиявий харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланди. Дастлабки битирувчилар мутахассис сифатида Ватанимизга қайтиб келиб, олган билимларини амалда қўлламоқдалар. Уларнинг таълим ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандига кўра имтиёзли асосда тан олинмоқда ва эквивалентлиги қайд этилмоқда.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломларни нострификациялаш мақсадида мурожаат қилаётганларнинг яна бир қисми собиқ иттифоқнинг парчаланиш даврида таҳсил олганлардир. Улар асосан, мақсадли ўқитиш ёки кооперация йўлланмалари билан ўқиганлар. Тегишли архив ҳужжатлари тақдим этилгач, бу фуқароларнинг дипломлари ҳам Низомнинг 7-бандига кўра имтиёзли асосда тан олинмоқда ва эквивалентлиги қайд этилмоқда.

Республикамизда замонавий илм-фан талабларига мувофиқ келадиган таълим дастурлари ишлаб чиқилаётган бир пайтда, давлат ва миллат манфаатига мутлақо тўғри келмайдиган, бўлаксак, унга зид келадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқдамиз.

Гап ноқонуний фаолият кўрсатаётган хорижий таълим муассасаларининг ваколатхоналари ёки филиаллари хусусида кетмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида чет давлатлар таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланишга оид расмий рухсатномалар бериш ваколати Вазирлар Маҳкамасининг ихтиёрида эканлиги қайд этилган. Бироқ, бундай рухсатномани олмасдан, қонунларимизга зид тарзда фаолият кўрсатаётган филиалларнинг давлатимизга етказаётган моддий ва маънавий зарари ташвишли эканини айтиб ўтиш ўринлидир.

Барча иллатлар яшовчан бўлганидек, мазкур таълим муассасалари ҳам ўзининг ўзгарувчан, мослашувчан ва эластик хусусиятларини намойиш этмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари кураш олиб бораётганига қарамай, улар турли номлар билан ниқобланиб, фаолиятини давом эттирмоқда. Ёшларимизни тузоғига илинтирмоқда. Бу таълим муассасаларида ўқув жараёни йўқ даражада, кириш имтиҳонлари ўтказилмайди, қабул йил давомида ва хоҳлаган жойда амалга оширилади. Унинг асосий талаби шартнома тўлови. Табиийки, уларнинг дипломлари нострификацияга қабул қилинмаяпти ва Ўзбекистон ҳудудида юридик кучи йўқ, деб расман билдирилмоқда.

Хорижда ўз ташаббуслари билан таълим олганларнинг маълум бир қисми таълим эмас, диплом олишни кўзлаган ёшлардир. Бу ёшлар қўшни давлатларнинг олий ўқув юртларига киришнинг ягона талаби ҳисобланган шартнома тўловларини тўлаш ва фақат шунинг эвазига ҳужжатга эга бўлиш йўлини тутганлар.

Тўғри, қонунан ҳар бир фуқаро хоҳлаган давлатида таълим олиш ҳуқуқига эга. Агарда дунё миқёсида эътироф этилган машҳур университетларда таълим олиш салоҳиятига эга бўлган ёшлар хусусида гап кетганда бу масала кўп ҳам мураккаблашмасди.

Энди бевосита нострификация масаласига тўхталсак.

Бу жараён юқорида қайд қилинган қарорнинг қабул қилиниши билан бошланди. Бунга табиий эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки бу масала дунёнинг барча давлатларида алоҳида ўрингга қўйилган. У ички интеллектуал бозорни ҳимоя қилишнинг ўзига яраша муҳофаза тизими ҳисобланади. Ҳар қандай норасмий таълим муассасалари дипломларининг ва сохта таълим ҳужжатларининг кириб келишига тўсиқ қўяди, уни халққа маълум қилади, огоҳлантиради ва бу билан миллий таълим муассасаларимизнинг нуфузига путур етказмаслик чораларини кўради.

Давлат тест маркази бу борада етарли тажриба тўплади. Марказ таркибидаги Аттестация бошқармасида Нострификация гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ томонидан Германия, Япония ва Туркия тажрибалари бевосита ўрганилди.

Жорий йилнинг 5-6 апрелида Давлат тест марказида бўлиб ўтган конференцияда иштирок этиш учун доктор Питер Обершелп ташриф буюрди. У Германия Таълим вазирлиги Хорижий таълим Марказий офиси директорининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади. Унинг эътироф этишича, ҳозирги кунда республикамиздаги мавжуд нострификация тизими халқаро миқёсдаги ташкилотлар билан боғланиши лозим. Хусусан, «NARIS» — Европа Иттифоқи эквивалентлик Маркази тизимига кириши ёки маълумот олиш ва бериш нуқтаи назаридан тезкор боғланиши шарт. Чунки, янги таълим муассасаларининг кўпчилиги халқаро каталогга кирмаган. Баъзи таълим муассасаларини нафақат халқаро рўйхатдан, балки ўз давлатининг расмий рўйхатидан ҳам топиш қийин. Алоқа воситалари орқали боғланиш кўп ҳолларда кўнгилдагидек натижа беравермайди.

Масалан, дастлаб Тошкентда очилган, таълим фаолиятини юритишга доир расмий рухсат олмагач, Қозоғистоннинг Сариоғоч деган жойига кўчиб ўтиб, расмий қайддан ўтган Халқаро экология гуманитар академияси лицензия муддатининг тугаши муносабати билан 2000 йилда ўз фаолиятини тўхтатади ва «Унат» номи билан янги университет сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Орадан бир неча ой ўтгач «Қозоқ-Ўзбек университети»га айланади. Тасаввур қилинг, дастлабки ном билан бу таълим муассасасини тугатган фуқаронинг дипломини кимдан сўраш ва тасдиғини олиш мумкин? Қозоғистон таълим вазирлигига юборган расмий сўровимиз бир неча ой давомида жавобсиз қолмоқда. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эътиборни тортадиган жойи шундаки, сўнгги ўн йилда хорижда таълим олганларнинг аксарияти ҳуқуқ ва иқтисод йўналишларига тўғри келади ва улар ўқиган таълим муассасаларининг аксарияти айнан сўнгги ўн йилда очилган. Буларнинг географик жойлашувига назар соладиган бўлсак, кўз ўнгимизда қуйидагилар намоён бўлади. Ўзбекистон атрофини Сариоғоч, Қоплонбек, Еттисой, Панжикент, Қоракўл, Қизилқия, Майлисой каби «улкан илмий марказлар» қуршаб олган бўлиб, бу ерларда бир неча «йирик» олий ўқув юртлари, ҳатто ЮНЕСКО байроғи остида Халқаро экология гуманитар академияси фаолият кўрсатади (бу тўғрида гапирилди). Булар тўлов-шартнома асосида йил давомида ўқишга қабул қилади. Ҳуқуқ ҳамда иқтисод йўналишлари бўйича диплом беради. Баъзиларининг ўқув бинолари йўқ, илмий-педагогик салоҳият жуда паст даражада. Боғча ёки мактаб каби муассасаларнинг хоналарини ижарага олишган бу «илмий марказлар» қандай қилиб ҳуқуқшунос ёки иқтисодчиларни тайёрлайди, ажабланасан киши. Бундай таълим муассасаларига катта пул эвазига таҳсил оламан, деб борган ёшлар ва уларнинг ота-оналари беҳудага вақт ва пул харажат қилганликларини кеч тушуниб етишмоқда.

Хуллас, таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш учун махсус тузилган эксперт комиссияси кўриб чиқади, ўқув режаларидаги фарқлар аниқланади, уларни бартараф этиш хулосаси берилади. Хорижий дипломларнинг деярли барчасида тафовутлар бир хил бўлгани ва Ўзбекистон таълим стандартларига тўғри келмагани сабабли бугунги кун талабидан келиб чиқиб, нострификацияда тест усули танланди. Бу усул ривожланган мамлакатлар тажрибасидан олинди. Тест саволлари ихтисослик бўйича етук олимлар томонидан кўп вариантлилик асосида ишлаб чиқилди ва база яратилди. Саволлар компьютер орқали генерация қилинади ва ҳар бир диплом эгасига алоҳида вариант сифатида тақдим этилади. Вариантда таянч олий ўқув юртлари ўқув режалари доирасидаги ҳажмда Ўзбекистон тарихи ва Президентимиз асарлари ҳамда умумихтисослик ва махсус ихтисослик фанларидан тузилган жами 108 та савол берилади. Бу саволларнинг 60 фоиздан кўпроғи тўғри топилган тақдирда диплом тан олинади ва нострификация қилингани ҳақида тегишли гувоҳнома берилади. Яъни, хорижда таълим олган фуқароларга қўйилаётган талаблар бугунги кунда республикамиз олий ўқув юртлари битирувчиларига қўйилаётган талаблар билан бир хиллигини қайд этиш муҳимдир.

Эътибор берилган бўлса, минимум талабга жавоб берган тақдирда дипломлар нострификация қилинади, дедик. Аммо, синовлар натижаларига назар солинса бутунлай бошқача ҳолатни кузатиш мумкин. Тўлдирилган жавоб варақалари бўм-бўш ёки нари борса бир неча катак тўлгазганлар ҳам кузатилди. Шу пайтгача синовда қатнашганлар ичида минимум талабга даъвогарнинг 8 фоизи жавоб берганлиги қўшимча изоҳ талаб қилмаса керак.

Тўғри, хорижий таълим муассасаси кенг қамровли тушунча. Уни мағрибдан машриққача қўллаш мумкин. Бироқ, чет элда ўқиб келганман, дипломимни нострификация қилдиришим керак, деб жиддий оҳангда мурожаат қилганлардан қаерда ўқигансиз, деб сўрасангиз, Сариоғочда ёки Қоплонбекда деса, нафсониятига тегиб кетмаслик учун, эҳтиёткорлик билан муносабат билдиришга тўғри келяпти. Дипломнинг қандайлиги маълум-ку. Янада очиқроқ айтиш мумкин бўлса, бу таълим муассасаларининг баъзилари бир эмас, икки ҳам эмас, тўрт хил диплом бераётгани ақлга сиғмайди. Кимга ёки қаерлик фуқарога қандай диплом берилади ёки бошқа хусусиятлар эътиборга олинадими, аниқлаш қийин.

Хуллас, барча соҳада бўлганидек, нострификацияда ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд. Бу муаммолар Низом талаблари асосида ҳал этилмоқда.

Мазкур мақолани ёзишдан кўзланган мақсад мавжуд муаммолар хусусида ўртоқлашиш эмас, шундай муаммоларнинг келгусида юзага келишига йўл қўймаслик. Ҳали ҳам янглиш йўлдан кетиш пайида юрган (афсуски улар ҳозир ҳам бор) ёшларимизни тўғри йўлдан боришга ундашдир. Айниқса, қандай бўлмасин, фарзандини олий ўқув юртига «жойлаштириш» мақсади билан юрган ота-оналарни огоҳлантирмоқчимиз. Аввал суриштириш, билиш керак. Акс ҳолда алданиб қоласиз, фарзандингиз вақтини беҳуда совурасиз.

Масалага миллат ва давлат манфаати нуқтаи назаридан қаралмоғи, диплом учун эмас, билим олиш учун ўқитиш кераклигини эслатиб қўйишдир.

■ **Муҳсин МУҲИДДИНОВ,**
Давлат тест маркази директори,
Муродулла МИРЗАЕВ,
Нострификация гуруҳи бошлиғи

БРАЗИЛИЯ — БЕШ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN SEOUL

- ***Чемпионларга ФИФА кубоги ва олтин медаллар.***
- ***Иккинчи совриндор — Германия футболчиларига кичик олтин.***
- ***Туркия жамоасига кумуш медаль насиб этди.***
- ***Жанубий Корея жамоаси бронза медали соҳиби бўлди.***



Шундай қилиб, XVII жаҳон чемпионати ҳам тарихга айланди. Жанубий Корея ва Япония ўйинларида бир ой давомида 32 жамоа иштирокидаги 64 та ажойиб футбол спектакли намойиш этилди. Бу галги жаҳон биринчилиги кутилмаган тасодифлар, унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Шу ўринда энг аввало, Сенегал футболчилари ҳақида тўхталиш жоиз. Қизиғи шундаки, жаҳон биринчилигида дастлабки тўпни сенегаллик Папе Малик Диоп киритди. Сенегалликлар Африка футболида ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигини исботлашди. Уларнинг чорак финалга чиқишини ҳеч ким кутмаганди.

Шунингдек, Япония, Жанубий Корея ҳамда Туркия жамоалари ҳам футбол билағонлари башоратларини чиппакка чиқарди.

Туркия ва Жанубий Корея футболчилари ўртасида учинчи ўрин учун ўтган учрашув ниҳоятда кескин ва ҳаяжонли ўтди. Турк футболчилари жаҳон чемпионатида бор-йўғи иккинчи марта иштирок этишларига қарамай, юртдошларини беҳад қувонтиришди. Корейс жамоаси эса бундан 36 йил илгари чорак финалга чиққан эди. Ҳар иккала жамоа ўйинчилари ҳам тезкор ва ҳужумкор ўйин кўрсатди. Дастлабки дақиқадаёқ Хоқон Шукур корейс ҳимоячиларининг хатосидан фойдаланиб, дарвозани аниқ нишонга олди — 1:0. 9-дақиқада эса Ли Юл Йон ҳисобни тенглаштирди. Орадан 3 дақиқа ўтмай Илхан ўзини кўрсатди — 2:1. Кореяликлар дарвозасига киритилган учинчи тўп муаллифи ҳам Илхан бўлди. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда Сон Чон орадаги фарқни қисқартирди. Шундай қилиб, турк футболчилари 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, чемпионат совриндорлари сафидан жой олишди.

Бу галги чемпионатда бир жамоа, у ҳам бўлса Бразилия мағлубият нималигини билмади. Тўғри, Германия «машинаси» ҳам финалгача тўхтовсиз келди. Лекин, немис футболчилари ҳисобида битта дуранг бор эди. Бразилияликлар Туркия (2:1), Хитой (4:0), Коста-Рика (5:2), Бельгия (2:0), Англия (2:1), Туркия (1:0) жамоаларини енгиб, финалга чиқишди. Якунловчи учрашувда тўрт карра жаҳон чемпиони Бразилия билан уч карра ана шундай унвонга сазовор бўлган Германия футболчиларининг майдонга тушиши ҳам жаҳон биринчилиги тарихида илгари бўлмаган.

Мазкур учрашув олдидан Оврўпа газеталари «Бизда моҳир дарвозабон Оливер Кан бор», деб ёзган бўлса, Лотин Америкаси журналистлари «Роналдога ҳеч ким бас келолмайди», дейишган. Ҳақиқатан ҳам Кан моҳир дарвозабон эканини намойиш қила олди. Аммо Роналдо Роналдолигини кўрсатди. 67-дақиқада Ривалдо зарб билан тепган тўпни Кан қўлидан чиқариб юборди. Бундан фойдаланган Роналдо ҳисобни очди. Ўйиннинг 80-дақиқасида Роналдо чемпионатдаги 8-тўпини дарвозага киритиб, ўз жамоаси ғалабасини янада мустаҳкамлади. Унинг армони ушалди. Боиси, тўрт йил аввал Францияда ўтказилган чемпионат финалида жароҳати туфайли у иштирок этолмай қолганди. Мана, тўрт йил ўтиб, жаҳоннинг энг яхши футболчиси номига лойиқ бу тўпурарнинг севинч ёшларини бутун дунё кўрди. ФИФА кубоги ғолиблар қўлида! Бразилия — беш карра жаҳон чемпиони!

Яна тўрт йилдан сўнг Германияда навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Унда чемпионлик кимга насиб этишини вақт кўрсатади, албатта. Аммо Германия яшил майдонларида ўзбекистонлик футболчилар ҳам тўп суришларини жудажуда орзу қиламиз.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ,**
Равшан ШОДИЕВ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 27-ўрта мактаб томонидан 2001 йил 25 июнда Мамасалиев Джахандор Адилжанович номига берилган ORB №0097652 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати маркази жамоаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими Файзуллаев Ёрқин Раҳматуллаевичга отаси Акмал Икромов тумани санитария-эпидемиология маркази собиқ бош врачи **Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПИАЛ БИРЖА МАРКАЗИ 2002 ЙИЛ 2, 9, 16, 23, 30 АВГУСТ, 6, 13, 20, 27 СЕНТЯБРЬ, 4, 11, 18, 25 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ БИНОСИДА КИМОШДИ САВДОЛАРИ ЎТКАЗАДИ.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

№	Ер майдони жойлашган манзил ва қуриладиган шаҳобча тури	Ер майдонининг сатҳи	Бошланғич нархи (сўм)
	Чилонзор тумани		
1.	«Чилонзор-5» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,04 га	1 339 800
2.	2-Қатортол кўчаси, «Чилонзор-19» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,018 га	4 225 320
3.	2-Қатортол кўчаси, «Чилонзор-10» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун (2 та)	0,012 га	3 374 880
4.	Тахтагул кўчаси, «Чилонзор-10» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,015 га	2 577 360
5.	Тахтагул кўчаси, «Чилонзор-10» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,024 га	3 349 056
	Собир Раҳимов тумани		
6.	Ниёзов кўчасида савдо расталари қуриш учун (6 та)	0,0144 га	2 487 171
	Сирғали тумани		
7.	Мирза Ҳайдар кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,06 га	6 063 900
8.	«Сирғали-5» мавзеси, Лойиҳадаги Г-40,0 м кўчасида маданий-маиший ва савдо мажмуаси қуриш учун (12 та)	0,03 га	3 346 200
9.	«Сирғали-8» мавзеси, Янги Сирғали кўчасида савдо мажмуаси қуриш учун	0,06 га	8 239 560
10.	«Қўйлиқ-5» мавзеси, Ким Пен Хва кўчасида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,1 га	8 213 000
11.	«Қўйлиқ-5» мавзеси, Ким Пен Хва кўчасида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,03 га	3 028 800
12.	«Қўйлиқ-5» мавзеси, Ким Пен Хва кўчасида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,05 га	4 510 000
	Акмал Икромов тумани		
13.	М. Шайхзода кўчасида интернет-кафе қуриш учун	0,019 га	3 186 032
14.	Улуғбек кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,04 га	5 131 000
15.	Лутфий кўчасида савдо дўкони қуриш учун	0,04 га	4 977 900
	Шайхонтоҳур тумани		
16.	Улуғбек кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси ва автосалон қуриш учун	0,08 га	9 455 000
	Юнусобод тумани		
17.	Т.Зоҳидов кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,02 га	2 942 240
18.	«Юнусобод-14» мавзеси, В.Высоцкий кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,08 га	14 134 140
19.	«Юнусобод-19» мавзеси, В.Высоцкий кўчасида савдо дўкони қуриш учун	0,04 га	5 790 800
20.	«Юнусобод-18» мавзеси, В.Высоцкий кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун (5 та)	0,03 га	4 875 000

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш кимошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ер майдони бўйича узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномаси савдо ўтказилган куни тузилади.

Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй, 402-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-20-74, 133-46-13.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA